

# Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган http://farhaqiqat.uz/ t.me/farhaqiqati 2021 йил 19 февраль, жума № 15 (24508)



Бу каби очиқ, рўйи-рост ва амалий анжуман кўпдан буён кутилар эди. Ниҳоят у содир бўлди. Мамлакат маънавият ва маърифат ишларига масъул энг юқори лавозим эгалари вилоятдаги мутасаддилар билан юзма-юз бўлиб бор аҳволни айтдилар ва бирламчи вазифалар белгиланди.

## МАЪНАВИЯТ УЧУН ЭНГ КАТТА ХАВФ – БЕПАРВОЛИК



Видеомулоқот тарзида барча шаҳар-туман раҳбарлари, маҳалла раислари, таълим ташкилотчилари иштирокида ўтган вилоят маънавият ва маърифат Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида дастлаб соҳанинг республика раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов ўз таҳлилини баён қилди.

– Муваффақиятлар ўзимизники. Шундай бўлса-да, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида кўрганларимиз мамлакат учун маънавий тарбия, маърифий ишларга андоза бўла олади. Аммо мен бугун асосан олдимиздаги вазифаларга тўхталсам.

– Маънавият учун энг катта хавф – бепарволик, – деди у. – Иқтисод керак, албатта, аммо миллий қадриятлар асосида ёшларни тарбиялаш, халқни маърифатли қилиш ундан-да муҳимроқ. Афсуски, маънавий иммунитети заиф ёшлар, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирига берилиб қоляптилар. Аммо буни кўриб, билиб турган қўни-қўшни, маҳалла аҳли ўз вақтида танбеҳ бермаяпти, насиҳат қилиб тарбиясига олмаяпти.

Нотиқ таъкидлашича, жойларда "маънавият соати" ўтказиб туриш тўхтаб қолган. Кўча-кўйлардаги пештахталар рус, инглиз тилларидаги ёзувлар билан тўлган. Ҳолбуки, давлат тилига амал қилиш асло миллатчилик эмас. Шаҳар-туманлардаги маънавият идораларидаги лавозимлар бўш турибди. Наҳотки, бир зиёли инсон топилмаса?

Минҳожиддин Ҳожиматов кутубхоналар интернет билан боғланмагани, мактабгача таълим ташкилотларида олий маълумотли мутахассислар камлиги, кутубхона бинолари таъмирталаблиги, кўргазмали воситалар етишмаслигини таъкидлади.

– Вилоятда "Жаҳон адабиёти", "Шарқ юлдузи", "Тафаккур" каби журналларга обуна бир неча ўндан ошмаслигини қандай тушуниш мумкин? Ахир маънавият тарғиботчисининг дунёқарашини шакллантирувчи энг зарур нашр – манбаку булар, – дея куюнчаклик билан гапирди нотиқ. – Билинг, жиноят ортида маънавиятсизлик туради.

Муҳокама ҳам қизғин мунозаралар тарзида ўтди. Фарғона давлат университети ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Фозилжон Отақулов, Бувайда тумани ҳокими Беҳзод Иброҳимов, Фарғона шаҳридаги 10-умумий ўрта таълим мактаби директори ўринбосари Дилфуза Умрзақова ва бошқалар мавзу юзасидан тажриба ва муаммоларни айтдилар.

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, маслаҳатчи ўринбосари Дилшод Кенжаев иштирок этдилар ва халқ маънавиятини юксалтириш, ёшларни маърифатли қилиб тарбиялаш муаммолари юзасидан зарур тавсиялар бердилар.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ишчи гуруҳ хулосалари ҳар бир жамоа учун муҳим тавсия бўлганини, маънавият ва маърифат ишларига ҳамиша энг бирламчи эътибор қаратилиши лозимлиги юзасидан видеомулоқот иштирокчиларига аниқ вазифалар топширди.

**Сарвар ОБИД.**
**Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.**

**Вилоят ҳокими ҚАБУЛИДА**

Шу йилнинг 16 февраль куни вилоят ҳокимлиги қабуллар уйида Хайрулло Бозоров Эроннинг ***"GROUP PRESENTATION"*** компанияси делегациясини қабул қилди.

## ЭРОН КОМПАНИЯСИ ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТАДИ




Учрашувда компания раҳбари Алиризо Ражаби мамлакатимизга инвестиция киритиш борасида ишлаб чиқилган бизнес-лойиҳа бўйича тақдимот ўтказди.

Таъкидланганидек, Эроннинг йирик компанияси томонидан лойиҳа доирасида уч босқичда мамлакатимизга 15,2 миллион доллар миқдорида инвестиция киритиш режалаштирилган бўлиб, ички бозор, қолаверса, МДҲ давлатлари ва Европага экспорт қилиш учун кимёвий ўғитлар, чорва озуқаси учун биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқарилади.

Айни пайтда компания тасарруфидаги 12 та корхонада 40 турдан ортиқ нефть, нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Компания маҳсулотлари Туркия, Россия, Таиланд, Афғонистон сингари ўндан ортиқ давлатларга экспорт қилинади.



– Ўзбекистонга келишдан олдин юртингиздаги ижобий ўзгаришлар ҳақида эшитган фикрларни ўз кўзимиз билан кўриб қувондик, – дейди Алиризо Ражаби.– Қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар, чорва озуқаси учун биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш учун юртингизда хомашё захираси етарли. Шу боис компаниямиз томонидан босқичма-босқич Фарғонада бир неча корхоналар қуриш режалаштирилмоқда.

Вилоят ҳокими эронлик тадбиркорларнинг ушбу лойиҳасини қўллаб-қувватлаб, эзгу ташаббусни амалга ошириш учун барча шароитлар яратиб берилишини таъкидлади.

– Вақтдан ютиш ва рақобат бозорида тезроқ мустаҳкам ўрин эгаллаш учун бизнес-лойиҳани уч босқичда эмас, бир пайтнинг ўзида амалга оширган маъқул, – деди вилоят раҳбари. – Бунинг учун "Қўқон" эркин иқтисодий зонаси ёки вилоятдаги исталган кичик саноат зонасидан ер майдони ажратиб берилади.

Самимий мулоқот давомида яқин истиқболда икки томонлама ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

**Ботир МАДИЁРОВ.**
**Суратларни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.**

## ФАРҒОНАНИНГ "ЛОЛА"СИ

Лола – гулларнинг маликаси. Нафис, гўзал, виқорли. Психологларнинг фикрига кўра, лола гулини ёқтирувчилар ўта уддабурон, мослашувчан кишилар бўлиб, ҳаётда учрайдиган қийинчиликлар уларнинг иродасини буколмас экан. Лола – ғайратли, ўзига ишонган, унча-мунчани тан олмайдиган кишилар гули. Фарғоналик машҳур фермер Лолахон Муротованинг тақдир йўллари, кечмиши ва шахсига назар ташлаб, нафақат бу гулни севувчилар, балки исми Лола аталган аёллар ҳам шу сифатларга айни мос эканини англаб, ҳайратланаман. Ҳеч иш беҳикмат бўлмас...

Лола Муротова баъзан даласи ёки байрам тадбирларида атлас кўйлак кийиб суратга тушганида, унинг нафис ва мунис қалбини ҳис этасиз. Аммо у бундай пўримликдан ўнғайсизланади. Бир зумда ўзининг одми чит кўйлагини кийиб, бошига оқ дуррасини ўраб олади. Онасига ичиккан боладек яна далалари қучоғига ошиқади.

Лола опанинг пешонасига бир умр ерни ардоқлаш, элни севишдек муқаддас юмуш ёзилган экан. У эсини танибдики, тупроққа талпинади. Она ерни сариштa қилиб фароғат топади, гулу райҳонлар экиб ерни эъзозлайди.

Шоирона таъбир билан айтганда, Лола Муротова Момо ер қизи. Унинг асл ва бебаҳо фарзанди. Ярим асрдирки, у Ер кўзини очади. Далаларга беқасам тўн кийдиради. Эрта кўкламда бир ҳовуч тупроқни кафтида сиқимлаб, ер уйғонишидан қалбида аллақандай кучни сезади. Бу – Ер севгиси. Ҳаёт унга ато этган неъматларнинг энг аълоси – Ер.

2

**Аччиқ, аммо очиқ гаплар**

## Ҳувуллаган корхонанинг АЯНЧЛИ МАНЗАРАСИ

### Унинг фаолиятини йўлга қўйишга КИМ МАСЪУЛ?

Фарғона тумани "Кончилар" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Чимён таъмирлаш механика" заводи бурғулаш учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, таъмирлаш ишларини бажарган.

Ўтган асрнинг ўрталарида ташкил этилган корхонада механика, пайвандлаш, дизель агрегатларини таъмирлаш, темир эритиш цехлари фаолият кўрсатган. Яқин-яқингача 250 нафардан ортиқ ишчи-хизмачилар меҳнат фаолияти билан банд бўлган.





Бугун бу ерга келганлар хўжасизлик, эътиборсизлик, лоқайдлик сабаб талон-тарож қилинган, фаолият кўрсатмаётган, умумий майдони 3,5 гектар бўлган корхона ҳувуллаб ётибди. Бино ва жиҳозлар очиқ осмон остида, занг босган, кераксиз буюмдек ташлаб қўйилган. Бузиб ташланган ишлаб чиқариш цехлари дилни хуфтон қилади.

Корхона қимматли қоғозларини (акциялар) сотиб олган андижонлик тадбиркор Обиджон Дадажонов корхона фаолиятини йўлга қўйиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш, иш ўринлари яратиш, инвестиция киритиш хусусида ташаббус кўрсатмаяпти. Ҳолбуки, замонавий қувватларни ишга тушириш учун муҳим бўлган табиий газ, сув, электр энергия, йўл сингари инфратузилма тармоқлари мавжуд. Аммо йирик корхона фаолияти тўхтаб турибди, икки юздан ортиқ ишчи ишсиз.

— Тадбиркор корхона акцияларини сотиб олаётганда жуда катта ваъдалар берганди, — дейди шу ерда қоровул бўлиб ишлаётган Маъруфжон Мамадалиев. — Амалда ҳеч нарса ўзгармади. Ўн йилдан буён тайинли иш ҳақи олмайман. Икки йил давомида 1 миллион 300 минг сўм маош беришди. Иш стажи тўхтаб қолмаслиги учун борига қаноат қилиб турибман. Бўш вақтларда ёлланма ишлар билан шуғулланиб, тирикчилик қиляпмиз. Корхонамиз фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган ташаббускор тадбиркорлар кўп. Бироқ, мулк эгаси ўзи қилмайди, ўзгага ҳам бермайди.

Айтишларича, мавжуд ҳолатдан туман, вилоят мутасадди ташкилотлари хабардор. Ҳамма келиб аҳвол билан танишиб кетади, амалий чора-тадбирлар белгилаш юзасидан таклифлар беради. Амалда эса ҳеч нима ўзгаргани йўқ.

Корхона фаолияти тўхтаганидан буён ҳудуддаги ишчилар ошхонаси, иссиқхона, нон ишлаб чиқариш цехи, кутубхона ҳеч қандай сабабларсиз бузиб кетилган.

— Пайвандлаш цехида 40 йил ишлаб нафақага чиққанман, — дейди Мурувват кўчаси, 5-хонадонида яшаётган Тоҳиржон Эшматов. — Корхона мамлакатимиз нефть саноати, бурғулаш тизими учун бутловчи қисмлар етказиб бериш, таъмирлаш билан шуғулланган. Маҳсулотларга талаб ҳамиша катта бўлган. Тўғри, бугунги кунда ишлаб чиқариш жиҳозлари маънавий эскирган бўлиши мумкин. Лекин бу қўл қовуштириб ўтиришга асос бўлмаслиги керак. Тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида қатор имтиёз ва имкониятлар яратиб берилган бир паллада ҳайҳотдек корхона йиллар давомида тўхтаб турганлигини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

— Маҳалламизда нефть соҳасининг билимдонлари, сулолалари яшайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шарифа Ибрагимова. – Бугунги кунда 250 нафардан ортиқ ишсиз ёшлар бор. Ҳудудимизда пайвандчилик, чилангарлик, дурадгорлик соҳасида тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истагида юрган ташаббускорлар бўлиб, улар учун жой, инфратузилма тармоқлари керак. Афсуски, корхона маъмурияти "Жой меники, бу ерга мен хўжайинман" деб, барча таклифларни ҳамиша рад этиб келади, гаплашишни истамайди, телефон қўнғироқларимизга жавоб бермайди.



Эссиз бинолар, ишлаб чиқариш тармоқлари. Бу ерда кичик саноат зонаси ташкил этиш, истиқболли лойиҳалар асосида иш ўринлари яратиш имконияти бор. Фақат ундан самарали фойдаланиш, янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш зарур.

Мулк эгасининг эътиборсизлиги, ўзибўларчилиги туфайли йиллар давомида тўхтаб, нураб бораётган корхона фаолиятини йўлга қўйишнинг қонуний ечимига ким масъул? "Ўзим хон, кўланкам майдон" қабилида иш тутган "тадбиркор" га таъсир кўрсатишнинг қонуний имкони борми?

Биз бу мавзуга яна қайтамиз.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**"Фарғона ҳақиқати" махсус мухбири.**
**Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**

**Хушхабар**



## ФАРҒОНАЛИК СПОРТЧИ ОСИЁ РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАДИ

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида 10–14 февраль кунлари пара енгил атлетика бўйича жаҳон Гран-при мусобақаси – XII Fazza халқаро енгил атлетика турнири бўлиб ўтди.

Токио Паралимпиадаси йўлида қимматли рейтинг очколарини тақдим қиладиган ушбу мусобақада пара енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 13 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза, жами 24 та медални қўлга киритди.

Эътиборлиси, диск улоқтириш мусобақасининг F57 классида иштирок этган Фарғона вилояти Учкўприк туманилик Моҳигул Ҳамдамова 32.49 метр натижа кўрсатиб, мусобақа олтин медалини қўлга киритди ва Осиё рекордини янгилашга муваффақ бўлди. Шунингдек, Моҳигул ядро улоқтириш мусобақасида кумуш медаль соҳибига айланди.

Бу натижа билан Моҳигул ўз ҳисобига Токио-2021 лицензияси учун муҳим рейтинг очколарини қўштириб қўйди. У айни дамда Токио ўйинларига лицензия берувчи рейтинг жадвалида 1-ўринда бормоқда.

**М. СУЛАЙМОНОВ.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов бошчилигидаги республика ишчи гуруҳи вилоятимизда бўлиб, маънавий-маърифий ишларнинг ҳолатини ўрганди. Соҳадаги илғор тажрибалар билан танишилди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Шу билан бирга шаҳар ва туманларда учрашувлар, анжуманлар ўтказилиб, ижодкор ва истеъдодли ёшларнинг янги қирралари кашф этилди.**



# ОРЗУЛАР РУЁБГА ЧИҚМОҚДА

Маънавият масаласига ҳеч қачон лоқайдлик билан қараб бўлмайди. Бугунги глобаллашув даврида у ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, жойларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, тарғибот ишларини тизимли ташкил этиш муҳим вазифалардан саналади.

Ишчи гуруҳ аъзолари Марғилон шаҳридаги мусиқали мақом театрида бўлиб, бу ердаги жараён билан танишди. Айни кунларда ўзбек миллий мақом санъатини ривожлантириш йўлида театр жамоаси баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Актёрлар билан суҳбатда бадиий жиҳатдан юксак асарларни саҳналаштириш, театрлаштирилган томоша ва концерт дастурлари орқали мақом санъатини кенг тарғиб қилиш борасида фикр алмашилди.

Марғилон шаҳридаги Ижодкорлар боғи ва Эркин Воҳидов номини абадийлаштириш мақсадида амалга оширилган эзгу ишлар халқимизнинг ардоқли шоирига юксак эҳтироми ифодаси бўлди. Бугунги кунда бу боғ нафақат вилоят аҳли, бутун Фарғона водийси ёки мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келадиган меҳмонлар, балки хорижлик сайёҳлар учун ҳам суюкли масканга айланди.

Ижодкорлар боғига ташриф буюрувчилар худди она табиат қўйнида юргандек эмин-эркин, яйраб нафас олмоқда. Шу маънода, Эркин Воҳидов номидаги Ижодкорлар боғи руҳиятни, покиза ва бокира туйғуларни тарбияловчи маънавият-маърифат маркази сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ҳайкали, истеъдодли ёшлар мактаб-интернати, Эркин Воҳидов мемориал музейи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими биноси ва бошқа кўплаб иншоотлар қад ростлади. Ижодкорлар боғига қадам қўяр экансиз, шоирнинг дилга яқин шеър ва ғазаллари янграб, сизни беихтиёр адабиёт бўстонига чорлайди.

Меҳмонлар Ижодкорлар боғида бўлиб, дастлаб Эркин Воҳидов ҳайкали пойига гуллар қўйди. Шундан сўнг унинг номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқур ўқитишга ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда адабий кеча бўлиб ўтди. Вилоятнинг таниқли ижодкорлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этган анжуман Фарғона маънавияти ва адабиётининг катта тантанасига айланди. Айниқса, мактаб-интернат ўқувчиларининг ижод намуналари барчага манзур бўлди.

Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, жамиятда адабиёт ва китобхонликни янада ривожлантириш ҳамда ижодкорларнинг мазкур ишлардаги ўрни хусусида сўз юритди. Ёш ижодкорларнинг истеъдодига юксак баҳо берди.

— Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабини бемалол гуманитар академия деб атасак бўлаверади, — деди Президент маслаҳатчиси.— Бир неча йиллар олдин Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон Олтиариқдан келиб олтита жанрда ижод қиламан деган эди. Бугун мен саҳнада ўнлаб жанрларнинг намойишини кўрдим. Ижод мактаблари очилганида бизнинг сиёсатимизга мухолифатчи бўлганлар бу мактаблар маддоҳлар тайёрлашдан бошқасига ярамайди деган эди. Эркин Воҳидов ижод мактаби бу фикрларнинг қанчалар нотўғри, ўринсиз эканлигини исботлади.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.**

***

Фарғона политехника институтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, маслаҳатчи ўринбосари Дилшод Кенжаев, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Жонузоқ, шоир Рустам Мирвоҳид иштирокида вилоятимиздаги олий ўқув юрти талабалари билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

— Китоб ўқишни кундалик режаларинг орасига қўшинглар. Инсон кўп мутолаа қилса, шунча фикрлаш қобилияти юксак бўлади. Интернетда “палон амалдор қовун туширди” деган хабарни диққат билан ўқийсизлар. У амалдорнинг нима учун бундай ҳолатга тушгани билан қизиқмайсизлар ҳам. Барчасининг замирида маънавий қашшоқлик ётибди. Яъни, китоб ўқимаган инсон ҳар доим шунақа хижолатли вазиятга тушиб қолади. Сизлар ҳам бир кун келиб, катта амалдор бўласизлар. Ўшанда уялиб қолмасликларинг учун ҳозир албатта китобни севиб, мутолаа завқидан фойдаланиб қолинглар, — дейди Хайриддин Султонов.

Талабаларга маънавият масаласи бугунги замонда нақадар долзарб эканлиги таъкидланди. Ёшлар ҳар бир маърузани диққат билан тинглаб, зарур хулоса чиқариб олишди.

— Бугунги учрашув биз ёшларнинг хаётида муҳим аҳамиятга эга булди, — дейди Фарғона политехника институти учинчи босқич талабаси Муроджон Ҳамдамов. – Қанча изლансак, билим олсак, шунчалар яхши эканлигини англадик.

**Шоҳсанам ЭШМАТОВА.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.**

# ФАРҒОНАНИНГ “ЛОЛА”СИ

10

Қадимги “Авесто” китобида янги ерларни ўзлаштирган деҳқон худдики оила қуриб, бир этак фарзандлар тарбиялаган инсонга қиёсланган. Ҳатто Пайғамбаримиз илк марта деҳқоннинг қўлини ўпиб, бу қўллар дўзахда куймаслигини башорат қилган эди. Қақнус қушдай ўтда куймас ирода соҳибаси ғам ҳаётнинг турли синовли онлари, тақдир зарбаларида иродаси тобланиб комиллик мартабасига етишди. “Нурли обод” фермер хўжалигининг раҳбари бугун ушбу чўл ҳудудларни ўзлаштиришда асосан ўзи бош-қош бўлган 500 гектардан ортиқ ернинг мулкдори.

Ернинг ҳам жони бор, у ҳам эътибор ва парваришга муҳтож. Инжиқ баҳорлар, оловли ёзлар, совуқ қорлар унинг ҳолатини ўзгартиради. Баъзан шўрланади. Баъзан сувга ташна бўлади. Лолахон опа тупроқ тилини билгани учун уни куйлатишга, сўзлатишга ҳам қодир аёл. Пахтаси, ғалласи ҳамиша ҳосилга тўлиб пишишининг боиси шу.

Марказий Фарғона ерларида Қўқон шамоли йилнинг тўрт фаслида ҳам деҳқонга асло тинчлик бермайди. Шамол оч бўридек увиллаб, қум барханлари далаларга тўфон бўлиб сочилади. Булутлар подаси мағрибдан машриққа қадар сел, жала ва ёмғирлари билан “сайр” қилиб ўтади. Элнинг ризқ-насибасини яратиш учун ноқулай об-ҳаво туну кун Яратганга илтижо қилишга ундайди. Машҳур фермер тупроқни яқинда ёриб чиққан рамақижон чигит ниҳолларини кафтлари орасига олиб, “куҳ-куҳ”лаб иситади. Буғдой бошоқлари авжи ҳосил салмоғини ошириш даврида шамол ва ёмғир таъсирида ёнбошлаб олади. Шу тариқа инсон ва табиат ўртасида ҳаёт-мамот кураши давом этади.

— Чўл ҳавоси жуда ҳам ўзгарувчан, – дейди опа. – Кутилмаганда бўрон борлиқни ўз забтига олади, бироздан сўнг челаклаб шаррос ёмғир қуяди. Бу ерларда кутилган ҳосилни олиш учун деҳқончиликнинг тошдан ва темирдан қаттиқ нонини ейишга чидаш керак. Юрагингиз ботир бўлмаса, бу ерларда деҳқончилик қилмаган маъқул.

Аслида табиат баъзи-баъзида ана шундай енгиллаб олиши ҳам зарур. Қани эди, инсон ҳам худди табиат сингари баъзан қалбидаги ғуборларни ювиб, тозалаб тура олса нур устига аъло нур бўларди.

Лола Муротова нафақат зукко деҳқон, шу билан бирга зўр иқтисодчи. Тўғри, бир қарашда унинг ҳаётий фалсафаси жуда ҳам жайдари. Лекин ҳисоб-китоби аниқ ва пухта. Нафсини жиловлаб олган, ҳар бир сўмни жой-жойига ишлатади. 2020 йилда ҳам фермер хўжалиги аъзолари 347 гектар ерда парваришланган ғалланинг ҳар гектаридан режадаги 46 центнер ўрнига 70 центнердан ортиқ ҳосил олишга эришди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 20 центнердан кўпроқни ташкил этди. Давлатга режадагига қараганда 400 тоннадан зиёд ғалла топширилди.

— Манзура, қани битта аччиқ кўк чой дамлаб кел-чи! – дея ёрдамчисига юзланиб, белидаги қийиғига пешонасидан оқаётган терларини артиб опа муҳташам шийпондаги супага ўтиради. – Режани бажара олмаган қўшни фермерлар буғдойни бозор нархида сотиб олишга нақд пул таклиф қилишди. Аммо биласан, мен ҳеч қачон буғдой, пахта сотмайман. Ундан кўра белгиланган нарх бўйича давлатга топширамиз, керак бўлса, бугунги пандемия шароитида режадан ортиқча буғдойни давлатга бепул берамиз. Шундай қилдик ҳам.

Опадаги мардлик, тантилик анча-мунча эркак фермерларнинг ҳам қўлидан келмайди. Марказий Фарғона ерларида пахта ҳосилини зарарли ҳашаротлардан сақлаб қолишнинг ўзи бир санъат. Қўшни фермерлар ҳашаротларга қарши курашиш учун чўнтагидаги маблағни сарфлашни истамай буғдой даромади, сомон ва такрорий экинлардан келадиган фойдани кутади. Лола опа эса ҳашарот теришга ўн миллион сарфлаш керак бўлса, шу бугун ушбу пулни ҳеч иккиланмай аъзоларига нақд санаб беради. Бу пулнинг ҳисоб-китобини билмасликдан эмас. Ҳамма гап унинг ерни боқсанг, ер сени боқади, деган эски, лекин ҳеч қачон эскирмас ҳаётий нақлга амал қилиш одатига содиқлигида, холос.

Лола опа ланжланиб ўтиришни ёмон кўради. Шу агротехник тадбир учун маблағ ажратиш керакми, тамом, орага бошқа гап сиғмайди. Вилоят ҳокими, вазирлик ва идоралар раҳбарларига ҳам Марказий Фарғона ҳудудига хос шўрланиш, суғориш, ҳосилдорлик салмоғини ошириш билан боғлиқ муаммоларни дангал айтиб, масалани шарта-шарта кўндаланг қўяди. Шунинг учун ҳам ҳудуддаги фермерлар бирор бир жиддий муаммони ҳал қилиш учун Лола опанинг атрофида гирдикапалак бўлиб айланиб қолишади. Унинг фақат ўзига ярашадиган чапани феъл-атвори, янгиликлар қилишдан қўркмаслиги шундай пайтларда роса иш беради.

Полосоннинг тор ва диққинафас жин кўчаларида тенгдошлари билан тўптош ўйнаб юрган сочлари жингалак қизалоқ йиллар ўтиб, Олтиариқ, Фарғона, Ўзбекистон Лоласи сифатида эъзозланмоқда. Бугун фермерлик ҳаракатида Лола Муротова ёшларга ибрат мактаби, ўзига хос тимсол бўлаётгани айни ҳақиқатдир. Дориломон кунлар ортидаги армонлар эса фақат ўзига, меҳри дарё қалбига аён. Унинг сокинликка йўғрилган сукунати бўронлар, тўфонлар кудратини яширгандек гўё.

Лола Муротова бир умр она заминга таъзим қилиб, тупроқдай хокисор бўлиб, ўзи ҳам тобора азиз ва мукаррам бўлиб бораётган фидойи ҳамюртларимиз сирасига киради. Азамат юртимиз, зийрак Юртбошимиз эса бундай фидойи фарзандларини ҳамиша боши узра баланд кўтаради.

Лола гулларнинг маликаси бўлса, Лола Муротова – ўзбек аёлларининг маликасидир.

**Севара АЛИЖОНОВА.**

Матбуот анжумани

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ФОЙДАСИГА ҲАЛ ЭТИЛДИ

**Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят Ахборот кутубхона марказида Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси раҳбарлари иштирокида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда ОАВ вакиллари, давлат идоралари ва ташкилотлари матбуот хизмати ходимлари, блогерлар қатнашди.**

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бош бошқармаси бошлиғи А. Холматов, ҳудудий бошқарма ҳузуридаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама соҳасини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи А. Марозиқов соҳадаги ўзгаришлар, олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

Ўтган йили бошқармага 111 та ёзма, 983 та оғзаки, 723 та электрон кўринишдаги мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг 1808 таси жисмоний шахсларга, 9 таси юридик шахсларга тегишли.

Мурожаатлар бўйича ваколат доирасида олиб борилган ўрганишлар натижасида монополист корхоналар томонидан қонун ҳужжатлари бузилиши аниқланди ва 3878,7 миллион сўм маблағлар истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди.

Вилоят ҳудудидаги 427 та ҳар хил турдаги ташқи реклама конструкциялари хатловдан ўтказилди. Шундан 319 таси қонун талабларига мос эмаслиги маълум бўлди. Бу ҳақда шаҳар ва туман ҳокимликларига тегишли кўрсатма хатлари берилди. Бугунга қадар 165 та ташқи реклама конструкциялари талабларга мослаштирилди.

Очиқ мулоқотда журналист ва блогерлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**Ўз мухбиримиз.**

Саккизинчи мўъжиза

# “ЗИЁ” КИТОБ МАСКАНЛАРИ

## Уларга ҳамма ерда ва ҳамиша эҳтиёж бор

**Китобларни бежизга замон тўлқинларида сузувчи ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлодлардан-авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларига қиёслашмайди. Аслида, китобхонлик деб аталмиш юксак фазилат ёш танламаса-да, миллатнинг китобсевар авлодини тарбиялашда болаларни кичик ёшдан тафаккур кемаларига жалб қилиш, мутолаани уларнинг севимли машғулотига айлантириш жуда муҳим. Қолаверса, ҳар бир туман-шаҳар, ҳар бир маҳаллада ёш-у қари бориб, севган китобини харид қилиши ёки ўша ернинг ўзида мутолаа қилиши мумкин бўлган зиё масканларининг бўлиши ҳам халқимиз орасида китобхонликни кенг ёйишга хизмат қилади.**






Бу борада Фарғона тажрибасининг шаклланганлиги, вилоятимизда китоб дўконлари ва кутубхоналар сони йилдан-йилга ошиб бораётганлигини эътироф этсак, арзийди. Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган қарори асосида ташкил этилган “Китобхонлик ойлиги” пандемия даврида ҳам давом этди. Ойлик доирасида ўтказилган танловларда 190 минг нафардан ортиқ аҳоли вакиллари қамраб олинди. Шунингдек, “Ferghana bookland” QR-кодли электрон китоблар таблоси Фарғона халқаро аэропорти, Марғилон темир йўл вокзали ҳудудига, шунингдек, юзлаб таълим муассасаларига ўрнатилди. Қолаверса, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент вилояти Бўка тумани, Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани, Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани, Андижон, Хоразм, Бухоро, Наманган вилоятларидаги таълим муассасаларига ўрнатилган “Ferghana bookland”дан минглаб китобхонлар фойдаланишмоқда.

Жорий йилда ҳам китобхонлик маданиятини юксалтириш, аҳоли, айниқса, ёшларни китоб ўқишга қизиқтириш мақсадида муҳим вазифаларни амалга ошириш белгиланган. Жумладан, ҳар бир шаҳар ва туман марказларида жами 22 та “Зиё” китоб масканлари ташкил этилиб, аҳоли гавжум жойлар ҳамда таълим муассасаларида 100 та автоматлаштирилган китоб сотиш пунктлари, 2 та Библиобус фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, Янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанси китоб ва китобхонликдан бошланади. Ҳар қандай тамаддуннинг асосида, шубҳасиз, китоб мутолааси ётади. Китобхонлик оиладаги, маҳалладаги муҳитга, инсонни ўраб турган жамиятга боғлиқ. Китобга эътибор фарзандлар тарбиясида, айниқса, қўл келади. Китобни бежизга инсон тафаккурининг қанотларига ўхшатишмаган. Зеро, тафаккури, фикр доираси кенг, маърифатли кишилар жамиятнинг чинакам бойлигидир. Илм-фанга оид қўлланмалар ўқувчи билимини оширса, бадиий асарлар инсон маънавиятини шакллантиришга, бойитишга хизмат қилади. Ўқиш-ўрганишга қизиқиш ортса, китобхон аҳоли қанча кўп бўлса, ўша жамият, давлат ривожланиб, такомиллашиб бораверади. Ҳудудларда, маҳаллаларда маънавият зиёсини таратиб турган “Зиё” китоб масканлари эса халқимизни том маънода китобхонликка қайтариш, китобсевар авлодни камолга етказишда муносиб ўрин тутади.

**Шоҳидбек АСЛОНОВ, вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи.**


# Ҳурматли ёшлар!

**Сизларга янги имкониятлар эшигини очиш мақсадида истиқболли кадрлар захираси билан ишлашнинг ”Фарғона тажрибаси” яратилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида малакали ва юқори малакали мутахассисларни саралаб олиш, шу жумладан, хорижда яшаётган ватандошлар орасидан аниқлаш, давлат фуқаролик хизматига иқтидорли ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш устувор вазифа этиб белгиланди. Шу муносабат билан Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан иккита йўналиш бўйича истиқболли ёш кадрлар рўйхати шакллантирилмоқда.

Биринчи йўналиш – хорижда ёки хорижий олий таълим муассасаларининг республикамиздаги филиалларини тамомлаган, чет тилларини мукаммал эгаллаган 25 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшлар;

иккинчи йўналиш – архитектура йўналишини тамомлаган ва соҳада фаолият олиб бораётган 25 ёшдан 35 ёшгача бўлган мутахассислар.

Сизлардан мазкур йўналишлар бўйича 2021 йил март ойига қадар олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, маълумотнома (объективка) ҳамда телефон рақамини Фарғона вилояти ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳига тақдим этиш сўралади.

**Маълумот учун телефонлар:** 73-244-05-03, 91-681-11-13 (телеграм рақам).
**Электрон манзил:** 2244332 @inbox.uz

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Касаба уюшма фаолияти

# БЕШАРИҚДА ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН 300 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ

**Касаба уюшмалари томонидан хотин-қизлар учун муқим иш ўринлари яратиш ва шу орқали доимий даромад манбаи билан таъминлаш, айни жараёнда "Аёллар дафтари"га киритилган оила бекаларини қўллаб-қувватлаш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти.**





Бешариқ туманида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган 1 миллиард сўм маблағ эвазига "KORK" тикувчилик фабрикаси фаолият бошлади.

Тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров иштирок этиб, корхонада яратилган замонавий шарт-шароитларни алоҳида эътироф этди ва лойиҳа доирасида ишлар кўламини янада кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

"Sherwood Design" корхонаси раҳбари Шерзод Эркаев касаба уюшмалари ажратган маблағ эвазига хориждан 84 дона замонавий тикув машинаси, дазмол, тикув дастгоҳларини олиб келиб ўрнатди. Натижада тикувчилик фабрикасида "Аёллар дафтари"га киритилган икки юз нафар бешариқлик хотин-қизлар ишли бўлди.

Корхона иш юритувчиси Фурқат Турсуновнинг қайд этишича, бу ерда катталар ва болалар учун кийим-кечаклар тикилади. Маҳсулотнинг асосий қисми экспортга мўлжалланган. Иш икки сменада ташкил этилган.

— "Аёллар дафтари"га киритилган 76 нафар хотин-қизларнинг 35 нафари маҳалламизда фаолият бошлаган мазкур корхонага ишга жойлашди, — дейди "Файзиобод" МФЙ раиси Гулбаҳор Азимова. — Тикувчилик фабрикасига ишга қабул қилинган маҳалладошларимиз жуда ҳам мамнун.

"Аёллар дафтари"да турувчи Маҳлиё Холматова оиласи доимий даромад манбаига эга бўлганидан бағоят хурсанд. Бундан чамаси бир ойча аввал хонадонига касаба уюшмаларидан вакиллар келиб, муаммоларини ўрганиб кетишган эди. Ўшанда оила бекаси ишсизлигини айтганди. У орадан ҳеч қанча вақт ўтмай корхонага тикувчи бўлиб ишга кирди.

— Оилада беш кишимиз, — дейди "Қоражийда" МФЙда истиқомат қилувчи Марҳабо Тўйчиева. — Турмуш ўртоғимнинг устачилик орқали мавсумий ишлардан топган даромади етарли эмас эди. Шу боис "Аёллар дафтари" рўйхатига олингандим. Бу корхонада ишлаб, бундан буён мен ҳам оиламиз фаровонлигини яхшилашга ҳисса қўшаман.

Корхонада иш бошлаган "Сойлаби" МФЙда яшовчи Меҳринсо Аҳмедова, "Олтин водий" МФЙда истиқомат қилувчи Севара Хурсаналиева сингари аёллар чеварчилик сир-асрорларини тезда ўрганиб олишди. Ҳозирда чеварлар бир неча турдаги кийимларни ҳеч бир қийинчиликсиз тикишмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган маблағ эвазига туманнинг "Ворух-дашт" МФЙ ҳудудида "Адиробод ғунчалари" ишлаб чиқариш кооперацияси ташкил этилди.

Кооперация учун ажратилган 20 гектар ер майдони "Аёллар дафтари"га киритилган 100 нафар хотин-қизларга 20 сотихдан ажратиб берилди.

Кооперация аъзоларининг ишдан сўнг мароқли дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун замонавий шийпон ҳам қад ростлади. Шийпонда аёллар хонаси, дам олиш хонаси, кутубхона, ошхона, ювиниш хоналарининг мавжудлигини кооперация аъзолари учун яна бир қулайлик сифатида эътироф этиш мумкин.

"Янгиқўрғон" МФЙда яшовчи Солияхон Ибрагимова оиласига ажратилган 20 сотих ер бодом ва ўрик меваларини экишди. Оила аъзолари қатор ораларига дуккакли экинлар уруғини сепишади.

Таъкидлаш жоизки, вилоятимизда касаба уюшмалари томонидан бу борадаги алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва шу асосда изчил саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

**Ботир МАДИЁРОВ.**
**Суратларни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.**

Фарғона тажрибаси

# ВОҲА БАНКИРЛАРИ "МАҲАЛЛАБАЙ" ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЎРГАНДИ

**Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қашқадарё вилояти бош бошқармаси ҳамда 10 та давлат улуши иштирокидаги вилоят банклари раҳбарлари Фарғона вилоятида "маҳаллабай" ишлаш тизими бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида келдилар.**

Ташриф давомида "маҳаллабай" ишлаш тизими бўйича шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган ишлар ўрганилди. Хусусан, Марғилон шаҳри, Олтиариқ, Риштон, Бағдод, Бувайда ва Учкўприк туманларида «маҳаллабай» ишлаш тизимининг дастлабки натижалари сарҳисоб этилди.

— Тадбиркорлар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан учрашдик, — дейди АТБ "Асака банк"нинг Қашқадарё вилояти филиали бошқарувчиси Хуршид Эшонқулов. — Ўзаро тажриба алмашиш жараёнида аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, ўтган ҳафта Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Файзулло Маманов бошчилигида Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси, тижорат банклари, молия ва бандлик бош бошқармалари, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси раҳбарлари ҳамда шаҳар-туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарларидан иборат делегация "маҳаллабай" ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш борасидаги ишлар билан танишиш ва тажриба алмашиш мақсадида вилоятимизда бўлди.





Фарғона ва Марғилон шаҳарлари, Олтиариқ, Риштон, Бувайда ва Учкўприк туманларида маҳаллаларнинг "ўсиш нуқта"лари, ҳудудларда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар батафсил ўрганилди.

Айни жараёнда маҳаллаларнинг тадбиркорликка ихтисослашувини аниқлаш, оилаларнинг даромад манбаларини ҳамда эҳтиёжини ўрганиш, тадбиркорлик салоҳиятини оширишга қаратилган "йўл харита"ларини ишлаб чиқишда эътибор қаратиладиган асосий жиҳатлар ҳудудлар кесимида ўрганилди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Суратларни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.**

# Афғон уруши фахрийлари ЭЪТИБОРДА

**Фарғона шаҳридаги Хотира майдонида Афғонистон Халқ Демократик Республикаси ҳудудидан собиқ иттифоқ қуролли кучларининг чекланган қўшинлари олиб чиқилган сананинг 32 йиллиги муносабати билан хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишланган тадбир ўтказилди.**



Ўтган асрнинг 79-йилидан бошлаб Афғонистонга савр инқилобини ҳимоя қилиш мақсадида киритилган, аслида махфий сир остидаги бемақсад жанговар операция ўн йил давом этди. Афғон урушида биргина Ўзбекистондан 65 минг нафарга яқин оддий аскарлар ва офицерлар иштирок этди. 14 мингга яқин навқирон йигитлар ҳалок бўлди. Шу жумладан, 171 нафар фарғоналикларга оиласи бағрига эсон-омон қайтиб келиш насиб этмади.

Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, Ўзбекистон "Veteran" жангчи-фахрий ва ногиронлар бирлашмаси Фарғона вилоят бўлими кенгаши аъзолари, жангчи-фахрийлар, Фарғона давлат университети талабалари, жамоатчилик вакиллари "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди, ўзга юртда ҳалок бўлган ва ўтган йиллар мобайнида олган жароҳатлари туфайли ҳаётдан эрта кўз юмган сафдошларини ёдга олдилар, қўллар дуога очилди.

Фарғона шаҳридаги "Давр" мажмуасида Ўзбекистон "Veteran" жангчи-фахрий ва ногиронлар бирлашмаси ташкил этилганининг 27 йиллиги ҳамда чекланган қўшинларнинг Афғонистон ҳудудидан олиб чиқилган санага бағишланган тадбир давом этди.

Бир дастурхон атрофида дийдорлашган афғон уруши ветеранларига вилоят ҳокими Х.Бозоровнинг табриги ўқиб эшиттирилди. Сўзга чиққан Ўзбекистон "Veteran" жангчи-фахрий ва ногиронлар бирлашмаси вилоят бўлими раиси М.Меҳмонов, ветеран жангчи Ш.Жўраев эътибор ва ғамхўрликлар учун миннатдорчилик билдиришди. Бир гуруҳ ветеранлар ва ногиронларга, йигитлик бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларига вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари, Ўзбекистон "Veteran" жангчи-фахрий ва ногиронлар бирлашмасининг "Жанговар операцияларда қатнашганлиги учун", "Вафо ва садоқати" учун кўкрак нишонлари топширилди.

Вилоятимизнинг таниқли санъаткорлари ва ёш эстрада хонандалари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

**Шоҳсанам ЭШМАТОВА.**

Пресс-тур

# Ҳунармандлар тажриба алмашди

**Риштон, Фурқат туманлари ва Марғилон, Қўқон шаҳарларида барпо этилган ҳунармандчилик марказлари, ҳунармандлар устахоналари ва галереяларини кенг тарғиб этиш, 2021 йилда ишга туширилиши кўзда тутилаётган миллий ҳунармандчилик марказлари қурилиши билан таништириш мақсадида пресс-тур ташкил этилди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси "Ҳунарманд" уюшмаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги, "Ҳунарманд" уюшмасининг ҳудудий бошқармаси мутасаддилари, ҳунармандчилик маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда тарғиб қилиш ва сотишга кўмаклашиш бўйича мутахассислар, уста кулоллар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

– Кейинги пайтда Президентимиз томонидан ҳунармандчиликка катта эътибор қаратилмоқда. Риштон ўзининг уста ҳунармандлари, кулолчилик маҳсулотлари билан бутун дунёда довруқ қозонган. Пресс-турнинг айнан Риштондан, Халқаро кулолчилик марказидан бошланишида ҳам рамзий маъно бор, – деди Ўзбекистон Республикаси "Ҳунарманд" уюшмаси раиси ўринбосари Акобир Ҳакимов. – Келгусида миллий кулолчиликни янада ривожлантириш, халқаро миқёсда таништириш, кулолларимизга ҳар томонлама ёрдам бериш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш режаларини амалга оширишимиз керак.

Бухорода Ғиждувон, Самарқандда Ургут, Андижон кулолчилик мактаблари бор. Ҳунармандларга субсидиялар бериш, хориждаги элчихоналар орқали уларнинг маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш, "Уста-шогирд" асосида ёшларни иш билан таъминлаш, кулолчилик учун зарур хом ашё карьерларини топиб, ҳунармандларга бириктириш сингари кўплаб масалаларни ўз ичига олган қарор лойиҳаси тайёрланяпти.

– Риштонлик уста-ҳунармандлар юзидаги қувонч, ишонч ва фахр кишини хушнуд қилади, – дейди Ўзбекистон Республикаси халқ устаси, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Алишер Нарзуллаев. – Пресс-тур давомида кулолларимиз нафақат ҳунар сирлари билан ўртоқлашиб, тажриба алмашишади, балки янги режалар тузадилар, лойиҳаларни кашф қилишади, деб ўйлайман.

– 2021 йилда вилоятимизда 21 та ҳунармандчилик объектлари, хусусан, 13 та ҳунармандчилик марказлари ишга туширилади. Бу 4 мингдан ортиқ иш ўрни деган гап, – дея фикр билдирди "Ҳунарманд" уюшмаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзааҳмедов. – Фурқат туманида наққошлик ва ёғоч-ўймакорлик мактаби, Бувайдада темирчиликка ихтисослашган мактаб, Марғилон ва Қўқонда туризм ва миллий ҳунармандчилик марказлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Риштондаги Халқаро кулолчилик маркази нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягона ҳунар турига ихтисослашган марказ ҳисобланади. 2021-2023 йилларда туманда яна тўртта шунақа замонавий ҳунармандчилик шаҳарчалари қуриб битказилади. Давлат-хусусий шерикчилик асосида амалга ошириладиган ушбу лойиҳаларга Фарғона тажрибаси дея ном берилиши замирида эса улкан масъулият мужассам.

Пресс-турнинг иккинчи куни Марғилон шаҳрида жойлашган "Ҳунармандлар маркази" фаолияти билан танишувдан бошланди. Ушбу марказда 200 дан ортиқ турдаги атлас ва адрас тўқиш, гиламчилик, тикувчилик, ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 600 дан ортиқ фуқароларнинг бандлиги таъминланган.

Электрон савдо платформаларида ҳунармандчилик маҳсулотларини сотишни йўлга қўйиш бўйича "Марғилон рақамли технологиялар маркази"да тақдимот ўтказилди. Шунингдек, иштирокчилар Қўқон шаҳрида II Халқаро ҳунармандчилик фестивали ўтказилиши муносабати билан ишга тушириладиган "Туризм ва миллий ҳунармандчилик маркази" лойиҳаси, қурилиш ишлари билан танишдилар.

**Ҳаётжон БОЙБОБОЕВ.**


## ЭЪЛОНЛАР

### МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| | |
|---|---|
| **I.** | **Кафедра катта ўқитувчиси лавозимига:** |
| 1. | Дастурий инжиниринги кафедрасига – 1 ўрин. |
| **II.** | **Кафедра ассистент-ўқитувчиси лавозимига:** |
| 1. | Компьютер тизимлари кафедрасига – 1 ўрин. |
| 2. | Дастурий инжиниринги кафедрасига – 2 ўрин. |

Танловга ариза ва ҳужжатлар қабул қилиш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

**Манзил: Фарғона шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 185-уй.**
**Телефонлар: 73-226-82-09, 73-226-82-33, 73-226-95-21.**

### Танлов эълон қилинади!

**ФАРҒОНА НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ КОЛЛЕЖИ**
мазкур ўқув муассасасининг 2020 йил молия ҳисоб йили якуни бўйича ички аудит ўтказиш учун
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 календар куни ичида қабул қилинади.
**Мурожаат учун телефон: 73-241-23-52.**
**Манзил: Фарғона шаҳар, Фарғона кўчаси, 170-уй.**

### ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| | |
|---|---|
| **I. КАФЕДРА ДОЦЕНТИ ЛАВОЗИМИГА:** | |
| 1. Геодезия, картография ва кадастр | 1 ўрин |
| 2. Технологик машиналар ва жиҳозлар | 1 ўрин |
| **II. КАФЕДРА КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ ЛАВОЗИМИГА:** | |
| 1. Технологик машиналар ва жиҳозлар | 1 ўрин |
| 2. Табиий толалар | 1 ўрин |
| 3. Олий математика | 1 ўрин |
| **III. КАФЕДРА АССИСТЕНТИ (ЎҚИТУВЧИСИ) ЛАВОЗИМИГА:** | |
| 1. Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси | 1 ўрин |
| 2. Муҳандислик коммуникациялари қурилиши | 1 ўрин |
| 3. Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси | 1 ўрин |
| 4. Электр энергетикаси | 1 ўрин |
| 5. Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш | 1 ўрин |
| 6. Тилларни ўргатиш (инглиз тили) | 1 ўрин |
| 7. Кимёвий технология | 1 ўрин |

Танловга ҳужжатларни қабул қилиш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
**Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳар, Фарғона кўчаси, 86-уй.**
**Телефонлар: 73-241-11-51, 90-959-33-69.**

**Илмий котиб.**

### ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Қўқон шаҳар ҳудудида чиқиндиларни олиб чиқиш, утилизация қилиш бўйича санитар тозалаш хизматини ташкил этишни давлат-хусусий шерикчилик асосида амалга ошириш истагида бўлган талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг uznature.uz расмий сайтини кузатиб боришлари мумкин.

Фарғона шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 32-уйда жойлашган "RIZQ AGRO GROUP" масъулияти чекланган жамияти номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошлоқ тумани, "Қуйи Яккатут" МФЙ, Рамадон қишлоғи, 12-уйда жойлашган "BONUS STROY" хусусий корхонаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона тумани, "Чекшўра" МФЙ ҳудудида жойлашган "ZIYOVUDDIN UZUM BO'STONI" фермер хўжалиги номига берилган думалоқ муҳр ҳамда тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Марғилон шаҳар 7-ўрта таълим мактабини 2006 йилда тамомлаган Мирзаулуғов Шукурулло Абдуллазиз ўғли номига берилган U 2221528 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона политехника институтини 2013 йилда тамомлаган Азизов Азизбек Абдумуталович номига берилган B 649966 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қува тумани 27-ўрта таълим мактабини 2016 йилда тамомлаган Маматурдиев Асроржон Самшидин ўғли номига берилган U 7624155 рақамли шаҳодатнома йўқолгалиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона тумани 1-иқтидорли ўқувчилар мактаб-интернати (ҳозирги Фарғона тумани 1-сонли аниқ ва ижтимоий гуманитар фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби)ни 2002-2003 ўқув йилида тамомлаган Убайдуллаева (Мамажонова) Дилдора Хабибуллаевна номига берилган O'R-A 1314151 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олтиариқ енгил саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини 2011-2012 ўқув йилида тамомлаган Баннопов Нодирбек Бахтиёр ўғли номига берилган К 2634489 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар 27-ўрта таълим мактабини 2006-2007 ўқув йилида тамомлаган Мамаражап қизи Элиза номига берилган U 2408919 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олтиариқ тумани 2-ўрта таълим мактабини 2019-2020 ўқув йилида тамомлаган Мўсажонова Маржонабону Азизжон қизи номига берилган UM 0676761 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи (ҳозирги Фарғона касб-ҳунар мактаби)ни 2013 йилда тамомлаган Мусаев Сардорбек Баходиржон ўғли номига берилган К 3053560 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар, Ободлик кўчаси, 43-"а" уйда жойлашган "MAVLYUDA BARAKA AVTO TRANS" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Отахонов Фаррухбек Икромжонович жамиятга қўшган 90 фоиз улушини олиб, таъсисчиликдан чиққанлигини **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

Фарғона шаҳар, Ободлик кўчаси 43-"а" уйда жойлашган "AUTO DOCTOR SERVICE" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Отахонов Фаррухбек Икромжонович жамиятга қўшган 50 фоиз улушини олиб, таъсисчиликдан чиққанлигини **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

Қўштепа тумани, Иқбол кўчаси, 56-уйда жойлашган "FERGANA FAVORIT AVTO TRANS" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Отахонов Фаррухбек Икромжонович жамиятга қўшган 50 фоиз улушини олиб таъсисчиликдан чиққанлигини **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

Абу Али ибн Сино номидаги Андижон жамоат саломатлиги техникуми (собиқ И.Г.Зиёев номли Андижон тиббиёт билим юрти)ни 1991 йилда тамомлаган Тешабоев Комилжон Мухамадалиевич номига берилган ПТ-I 072291 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Hududgaz Farg'ona" газ таъминоти филиали жамоаси «Farg'onatumangaz» газ таъминоти бўлими раҳбари **Жаҳонгир АТАҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

# ИНСОФ БЕРГАНИ РОСТ БЎЛСИН!

**Чекка қишлоқда яшовчи Эгамқул бобонинг мухбир йигитга берган интервьюси**



– Мухбир болам, элимизда
Кўп янги гап бўлаётир.
Ҳатто бизнинг қишлоққа ҳам
Шамоллари келаётир.

Қизиқ бўлди тунов куни,
Кўчамизга одам тўлди.
Аловуддин чироғини
Ишқаганми, нима бўлди?

Шимарганча енгларини,
Ишга қаттиқ боғлаб белди
– Ҳовлимизга беш-ўн раҳбар
Эшик қоқиб кириб келди.

Вой-бў, бунча савлатдорлар
Атрофимни ўраяпти,
Бири олиб, бири қўйиб,
Аҳволимни сўраяпти.

Мактаб қадди тикланётир,
Таълим ҳам шунга хос бўлсин.
Энди домла-маллимларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Уйли бўлди участкавой,
Маҳалламиз обод бўлди.
Раисимиз ҳокимларнинг
Майлисидан озод бўлди.

Эл оралаб юрар улар,
Хизмат иззатга мос бўлсин.
Оқсоқолу посбонларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Самад қўшним касал бўлиб,
Уйда ётиб қолган эди,
Кенжам қандай ўқитсам, деб,
Боши қотиб қолган эди.

Қизиқ бўлар экан, мени
Ўзларига тенг кўрса, денг.
Бири вазир, бири ҳоким:
"Бизга хизмат", деб турса, денг.

Болам, бу каттаконларни
Тилвизўрда кўрар эдим.
Улар бизнинг ҳолимизни
Биларми, деб сўрар эдим.

Ахир, раҳбар деган одам
Қастумига сиғмасди-ку.
Йил ўн икки ой салқингина
Кабинетдан чиқмасди-ку.

Ҳоким бува ҳукми – ҳукм,
Ёнига ҳам боролмасдик.
Дардимизни айтай десак,
Ҳузурига киролмасдик.

Энди эса, ҳайрон қолдим,
Олдимизга келаяпти.
"Маҳаллабай ишлаймиз", деб,
Жонга оро кираяпти.

Ёқа ушлаб қолдим, шояд,
Улар келгани рост бўлсин.
Ҳокимлару вазирларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Яна бир кун белим оғриб
Турган эдим, бир иш бўлди.
Худди шу пайт билгандайин
Уч-тўрт врач кириб келди.

Ё, тавба-ей, булар қайдан
Оғриганим билди, дейман.
Ё халқ дардин билгич одам
Бошимизга келди, дейман.

Профессор экан бари,
На-ақ Тошкандан келишди.
Бола-бақра, ҳаммамизнинг
Соғлиғимиз текширишди.

Кўзимга ёш келди, болам,
Кўнгилларим эриб кетди.
Улар ҳатто сиҳатгоҳга
Йўлланма ҳам бериб кетди.

Табиб ўз оёғи билан
Ўзи келгани рост бўлсин.
Шифокору дўхтирларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Агар билсанг, бу дунёда
Бонкчи деган кас бўларди.
Иши тушиб борган одам
Олдида хор-хас бўларди.

Қарз олиб, мол-ҳол қилай, деб
Борсак қовоғин уярди.
Арзимаган уч-тўрт сўмга
Бир дунё шартин қўярди.

Энди эса бонкчи ўзи,
Қаранг, уйма-уй юрибди,
Мана лойиҳа, кредит,
Фақат ишланг, деб турибди.

Тадбиркор ҳам одамларнинг
Қам-кўстига қараяпти.
Ўзим бўлайин, демасдан,
Эл корига яраяпти.

Ана, бири боғча қурди,
Бири ишнинг кўзин билди
– Зўр фабрика ташкил қилиб,
Юз одамни ишли қилди.

Одамларга ёрдам қилиб,
Ҳаммани тенг кўрар бўлсанг,
Асли инсоф деганинг шул,
Агар мендан сўрар бўлсанг.

Одамларга ёрдам – элга
Кўмак, дегани рост бўлсин.
Тадбиркору бонкчиларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Яна гап кўп, айта берсам
То кечгача адо бўлмас.
Газетингда босиб чиқсанг,
Бу гапларим хато бўлмас.

Юртбошимиз бир келдию
Йўлга ҳам сон кириб қолди.
Сувлар келди, газлар келди,
Светга жон кириб қолди.

Стадион, кутубхона...
Обод қишлоқ бўлиб қолдик.
Шаҳардан ҳеч камимиз йўқ,
Кўнглимиз бут, тўлиб қолдик.

Минг қиз билан Шарапат ҳам
Грантларга кириб кетди.
Контрактнинг ташвишидан
Қўшнимни қутқариб кетди.

Аёллару ёшларни деб
"Темир дафтар" тутиляпти.
Қанча одам ишли бўлиб,
Камбағалликдан қутуляпти.

Одамларнинг дуосини
Олай дегани рост бўлсин.
Сектор раҳбарларига
Инсоф бергани рост бўлсин.

Кеча лекин озроқ изза
Бўлиб қолдик, мухбир болам.
Ер ёрила қолмади-ю
Кириб кетолмадик биз ҳам.

ЭМ-ЧЕ-ЭСдан аскарлар кеп,
Ўтинимиз ёриб берди.
Сал бўлмаса, супра ёйиб,
Хамиримиз қориб берди.

Оппоқ сочли бир генерал
Деворимиз оқлай кетди.
Уялтириб ҳаммамизни,
Юрагимиз қоқлай кетди.

Ахир, уйда девдай ўғлим
Тилпон ўйнаб ётган эди.
Яна бири тилвизўрга
Қараганча қотган эди.

Туриб кетдик ўрнимиздан,
Хижолатдан ўлай дедик.
"Ўз кунингга ярамасанг,
Бу кунингдан ўл-эй", дедик.

Ғафлат босмай, одамлар ҳам
Сал ғайратга тўлсин экан.
Давлат элим деса, эл ҳам
Шунга лойиқ бўлсин экан.

Ўғилларим бир гектардан
Ерни олиб иш бошлади.
Қизим тикувчилик очди,
"Тик-ток"иниям ташлади.

Эси кирди момонгниям,
Кўз юмиб у сериялга,
Наваралар тарбиясин
Қайта бошдан олди қўлга.

Ўзгарди шу жужуқларам,
Бири кашта тўқияпти.
Бири кампуйтер ўйнамай,
Навоийни ўқияпти.

Янги замон боласи-да,
Тарбиясиям соз бўлсин.
Момонггаям, болларгаям
Инсоф бергани рост бўлсин.

Шундай гаплар, мухбир болам,
Қизиқ ишлар бўлаётир.
Ҳатто бизнинг одамлар ҳам
Ўзгаришлар қилаётир.

Билсанг, асли ғурбат, ғийбат
Бекорчининг иши экан.
Энг тинч одам ким, десанг, бу
Ишлаётган киши экан.

Ҳар банданинг умид билан
Худо дегани рост бўлсин.
Одамларга ҳам диёнат,
Инсоф бергани рост бўлсин.

Сен-чи, болам, яқинингга
Йўлатмасдинг-ку ҳар кимни.
Мана, энди ўзинг келиб,
Эшитяпсан аҳволимни.

Мухбир деган элнинг дардин
Ёзсин-у, сўзи рост бўлсин.
Мухбир болам, ўзингга ҳам
Инсоф бергани рост бўлсин.

Қаранг, оддий халқ дардини
Ўйлайдиган бор экан-да.
Халқим деган жўмардларга
Халқ дуоси ёр экан-да.

Бўларкан-ку, қисқа вақтда
Шунча ишлар қилинди-ей.
Буни кўриб дўст-душманнинг
Тан бергани билинди-ей.

Унутмай энди инсофни,
Раҳбарлар халқ томон бўлсин.
Шу ишлар бошида турган,
Юртбошимиз омон бўлсин!

**Эгамқул бобонинг сўзларини мухбир Қурбон ЖОНҚОБИЛ оққа кўчирди.**

## Адабиёт саҳифаси

# Кичик ҳикояларда улкан маъно...



**Драббл (инглизча drabble – парча, бўлак) – ҳикоянинг ўзига хос кичик жанри. Унда, асосан, бирор воқеанинг қисқача тарихи берилади. Драбблни кутилмаган ечим билан якун топувчи энг қисқа ва тугал ҳикоя дейиш мумкин. Эҳтимол, бунга Антон Чеховнинг ёки Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи бир бетлигу, аммо олам-олам маъно-мазмунга эга ҳикояларини ҳам мисол қилсак бўлар.**

1980 йилда Буюк Британияда драббл деб номланган ҳикоянавислликнинг янги жанри вужудга келди ва бундай кичик асар бор-йўғи 100 сўздан иборат бўлиб, тугалланган ғоя ва ўзига хос шаклга эга бўлиши лозим деган талаб ёзувчилар олдига қўйилди. Драббл ўз ватани Бирмингем университетида ғаройиб сўз ўйини сифатида қабул қилинди. Кейин Европанинг кўпгина мамлакатлари ёзувчилари бу борада ўзларини синаб кўришди. 1987 йилда эса Стив Мосс "New Time" журнали орқали танлов ўтказиб, иштирокчилар олдига 55 сўздан иборат тугал ҳикоя ёзиш вазифасини қўйди. Буни қарангки, ёзувчилар бунинг ҳам уддасидан чиқишди. Ҳуллас, драббл деган янги жанр вужудга келди ва у кўпчиликни қизиқтириб қўйди...

## Бемор

*(Ҳикоя)*

Осмон йироқ, ер қаттиқ.
*(Мақол)*

Сотиболдининг хотини оғриб қолди. Сотиболди касални ўқитди – бўлмади, табибга кўрсатди. Табиб қон олди. Бетобнинг кўзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди. Бахши ўқиди. Аллақандай бир хотин келиб толнинг хипчини билан савалади, товуқ сўйиб қонлади... Буларнинг ҳаммаси, албатта, пул билан бўлади. Бундай вақтларда йўғон чўзилади, ингичка узилади.

Шаҳарда битта докторхона бор. Бу докторхона тўғрисида Сотиболдининг билгани шу: салқин, тинч паркда, дарахтлар ичига кўмилган баланд ва чиройли оқ иморат; шиша қабзали кулранг эшигида қўнғироқ тугмаси бор. Чигит пўчоқ ва кунжара билан савдо қиладиган хўжайини Абдуғанибой омборда қулаб кетган қоплар остида қолиб ўладиган бўлганида бу докторхонага бормай Симга кетган эди. Докторхона деганда Сотиболдининг кўз олдига извош ва оқ подшонинг сурати солинган 25 сўмлик пул келар эди.

Бемор оғирлашди. Сотиболди хўжайинининг олдига арзга борди, аммо бу боришдан муддаоси нима эканини аниқ билмас эди. Абдуғанибой унинг сўзини эшитиб кўп афсусланди, қўлидан келса ҳозир унинг хотинини оёққа бостириб беришга тайёр эканини билдирди, кейин сўради:

– Девонаи Баҳоваддинга ҳеч нарса кўтардингми? Ғавсул-аъзамга-чи?

Сотиболди кетди. Беморнинг олдидан жилмаслик ва шу билан бирга тирикчилик учун хонаки бир касб қилишга мажбур бўлди – ҳар хил саватчалар тўқишни ўрганди. У эртадан-кечгача офтобшувоқда гавронлар ичига кўмилиб сават тўқийди.

Тўрт яшар қизчаси қўлига рўмолча олиб, онасининг юзини карахт, нимжон, хира пашшалардан қўрийди; баъзан, қўлида рўмолча, мукка тушиб ухлаб қолади. Ҳаммаёқ жим. Фақат пашша ғинғиллайди, бемор инқиллайди; ҳар замон яқин-йироқдан гадой товуши эшитилади: «Ҳей дўст, шайдулло баноми олло, садақа радди бало, бақавли расули худо...»

Бир кечаси бемор жуда азоб тортди. У ҳар инграганда Сотиболди чаккасига буров солинган кишидай талвасага тушар эди. Қўшниси бир кампирни чақирди. Кампир беморнинг тўзиган сочларини тузатди, у ёқ-бу ёғини силади, сўнгра... ўтириб йиғлади.

– Бегуноҳ гўдакнинг саҳарда қилган дуоси ижобат бўлади, уйғотинг қизингизни! – деди.

Бола анчагача уйқу ғашлиги билан йиғлади, кейин отасининг ғазабидан, онасининг аҳволидан қўрқиб, кампир ўргатганча дуо қилди:

– Худоё аямди дайдига даво бейгин...

Бемор кундан-кун баттар, охири ўсал бўлди. «Кўнгилга армон бўлмасин» деб «чилёсин» ҳам қилдиришга тўғри келди. Сотиболди тўқиган саватчаларини улгуржи оладиган баққолдан йигирма танга қарз кўтарди. «Чилёсин»дан бемор тетик чиққандай бўлди; шу кечаси ҳатто кўзини очиб, қизчасини ёнига тортди ва пичирлади:

– Худо қизимнинг саҳарлари қилган дуосини даргоҳига қабул қилди. Дадаси, энди тузукман, қизимни саҳарлари уйғотманг.

Яна кўзини юмди, шу юмганича қайтиб очмади – саҳарга бориб узилди. Сотиболди қизчасини ўлик ёнидан олиб, бошқа ёққа ёткизаётганда қизча уйғонди ва кўзини очмасдан одатдагича дуо қилди:

– Худоё аямди дайдига даво бейгин...

**Абдулла ҚАҲҲОР.**

Қадрли газетхон, бугун кичик ҳикоялар – драбблардан намуналарни сизга ҳам илиндик.

## Бахт излаб...

Бувам билан бувимнинг тўйларига бугун эллик йил тўлди. Ҳелен билан яшаётганимга бир йил бўлмай туриб ажралишга қарор қилган куним шу ҳақда ўйладим ва оёғимни қўлимга олдим-да, уларнинг ҳузурига югурдим.

– Эллик йил бирга яшаш бахти нима? Буни қандай уддаладингиз?

Бувам жавоб беришидан аввал мириқиб кулди.

– Бу саволни берган экансан, демак, рафиқанг билан тил топишишда қийналяпсан. Бошқалар каби оғриқ бераётган тишдан дарҳол қутулиш ўрнига уни сақлаб қолишга уринаётганингдан хурсандман. Мен бенуқсон аёлни излашдан тўхтаб, ўзим бенуқсон эркак бўлишни истаган куним бувингни топганман.

**Роберт РУЛ.**

## Гулдон



– Ахир бу қиммат гулдон эди! – кучдан қолган қари қайнонасига бақирди келин. – Нима қилиб қўйганингизни биласизми?

Қўпол муомаладан кампирнинг кўзларига ёш айланди.

Орадан анча вақт ўтди. Қўлидаги гулдонни синдирган аёл қўрқа-писа унинг синиқларини йиғиштириб ола бошлади.

– Вой, ўлай! Бу нимаси?! Ажалимдан беш кун бурун гўрга тиқмоқчимисиз мени? Бўлди, етар! Қилиқларингиз ҳиқилдоғимга келди. Дадам Париждан олиб келган гулдонни ерга отиб синдирганингизни ва бу қилмишингизни қандай яширишга урнганингизни ўғлингизга айтиб бераман. Нарсаларингизни йиғиштиринг! Қариялар уйига олиб бориб қўяман! Сизнинг жойингиз ўша ерда!

Уқубатдан юзларидаги чизиқлари билиниб, кўнгли озор чеккан аёлнинг юзи ғалати тарзда қийшайиб қолди ва бир вақтлар қайнонасига айтган мана шу таниш сўзларини эслаб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

**Артур Л.УИЛЛАРД.**

## Шоирга

Агар сени юз кишидан тўқсон нафари мақтаса, ундай даврадан қоч. Агар юз киши ҳам: «Тасанно!» – деб олқишласа, шеър ёзишни ташла-ю, этикдўзга шогирд туш. Борди-ю, ўша юз киши жаҳли чиқиб: «Жинни! Телба хаёлпараст!» – деб таъна-ю маломат қилса, хафа бўлмасдан, уларга қараб жилмай. Сабаби, улардан кейин яна камида юз киши ёзганларингни астойдил ўқиб кўради.

**Александр НЕВЕРОВ.**



## Етимча




Бир киракаш шаҳарнинг машҳур давлатмандини уйигача обориб қўйди. Манзилга етган мижоз ҳисоблагичга қараб, пул тўлади. Бойнинг сахийлик қилишига астойдил ишонган ҳайдовчининг эса ҳафсаласи пир бўлиб:

– Тавба, ота-ю ўғилнинг ўхшамаслигини энди кўриб турибман. Куни кеча ўғлингизни шу ерга келтириб қўйганимда, ҳисоблагичга қарамай, юз доллар узатганди...

Бой жилмайиб, шундай жавоб қилди:

– Нимасини айтасиз, ўғлимга ўзимам ҳавас қиламан. У бойнинг ҳотамтой бойваччаси, лекин камина ғирт етимман!

**Дэниел Жей ЭГГЕРТ.**

## Бахтли яшаш сири

Чиннинг сулув қизи Ли-Ли суйганига турмушга чиқди. У бахтли эди, бироқ ширин ҳаётига қари, инжиқ қайнонаси заҳар томизиб турарди. Қайнона-келиннинг адоқсиз жанжалларидан тўйган эркак уйга келмайдиган одат чиқарди. Ўз оиласини сақлаб қолишни истаган келинчак табиб ҳузурига борди ва дардини тўкиб солди. Нуроний унга кукунга ўхшаш бир дори тутқазди.

– Бу аста-секинлик билан таъсир қиладиган заҳар, – деди кекса табиб, – уни уч ой давомида ҳар кун оз-оздан қайнонангнинг таомига қўшиб берасан! Қайнонангнинг ўлимида сендан гумонсирамасликлари учун унга энг сара таомларни тайёрлаб, яхши муомалада бўл!

Ли-Ли чолнинг айтганига амал қилди. «Яхши гап билан илон инидан чиқади» деганларидай, келиннинг мулойим муносабати қайнонани тамомила ўзгартирди. Улар она-ю қизга айланди. Ёш келин ўзини оғир юк босаётгандай ҳис қилиб, қилмишидан пушаймон бўлди ва чолнинг ҳузурига келди.

– Қайнонамнинг қонини заҳардан тозаловчи дори беринг, илтимос. Унинг ўлишини асло истамайман!

Чол кўзлари ёшланиб, жавдираб тикилиб турган Ли-Лига қараб, қаҳ-қаҳ отиб кулди.

– Қизалоғим-а, сенга берганим дармондорилар эди. Улар қайнонангнинг кучига куч қўшарди. Ҳақиқий заҳар, аслида, миянгда эди. Сен ундан халос бўлдинг. Энди чинакамига бахтли яшайсан, – деган экан табиб.

**Ба СЗИН.**

## Сабоқ

Ҳаётидан яхшилик изламайдиган бир қизга отаси сабоқ бериш учун ошхонага чорлади. Уч хил идишдаги қайнаган сувга картошка, тухум ва қаҳва доналарини солди. Йигирма дақиқадан сўнг барини идишга бўшатиб, қизига юзланди:

– Қандай ўзгариш юз берди?

Қиз картошка юмшаганини, тухум қаттиқлашганини, қаҳва эса хуштаъм шарбатга айланганини айтди.

– Лекин бу билан нима демоқчилигингизни тушунмадим?

– Ҳаёт машаққатдан иборат. Машаққатлар исканжасида картошкадай эзилиб қоласанми ё қалбинг тухум каби қаттиқлашадими, ё бўлмасам, қаҳва доначаларидек, ғамга бўйин бермай ўзингни комиллаштириб, ҳаётингга айрича таъм ҳадя этасанми?

Қиз ўзининг ношукрлигидан уялиб қолди. Шунда ота қизининг бошини силаб:

– Ҳаёт ҳикмат излаб яшаш учун берилган. Унга кулиб боқсанг, ҳаёт ҳам сенга кулиб боқади, – деди.

**Леч МАКДОНАЛЬД.**

МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ
Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.
*Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.*
Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.
Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.ferghana.uz
Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.
Газета таҳририятига юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.
*Босишга топшириш вақти: 20.00. Топширилди: 20.00.*
Буюртма: 112
Индекс: 7521
Адади: 10 989
Саҳифаловчи Алишер Розиқов.
ISSN: 2010-8370
*Газета сешанба ва жума кунлари чиқади.* Баҳоси келишилган нархда. Навбатчи муҳаррир Асқарали Турсунов. *Газета сифати учун босмахона масъул.*